

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
КУЗ КАСАЛЛИКЛАР КАФЕДРАСИ

«ТАСДИКЛАЙМАН»

Куз касалликлар кафедраси
муdiri т.ф.д. А.Ф. Икромов
Потокол № _____ 200__ й

«ТАСДИКЛАЙМАН»

ММХнинг жаррохлик булими
раиси, проф Ф.Н. Нишонов
Потокол № _____ 200__ й

Даволаш факультети 5- курс талабалари учун
Куз касалликлар фани буйича

Амалий машгулотлар учун методик кулланма

Мавзу:

КУЗНИНГ ВА УНИНГ БУЛИМЛАРИНИ
ШИКАСТЛАНИШИ

Андижон

КУРС КИСМИ: Куз касалликлари.

КУРС БУЛИМИ: Куз олмасининг ва ёрдамчи аппаратларини
шикастланишлари

МАШГУЛОТ МАВЗУСИ: Кузнинг ва унинг булимларини шикастланиши .

I. МАВЗУНИ АСОСЛАШ:

Курув аъзосининг шикастланиши озор топган урнига караб иккига булинади: 1) кузнинг ердамчи кисмлари – ковоклар, конъюнктура, куз еши азолари ва куз косасини шикастланиши, 2) Куз соккаси ва курув нервининг шикастланишидир.

Курув аъзосининг шикастланишининг содир булган жойи ва ундаги мавжуд ахволга караб саноатда, кишлок хужалигида, уй ва куча шароитида болалар уртасида ва жанговор холатда юз берган шикастланишига булинади.

Механик шикастланиш тумток буюмлар таъсирида урилганда сордир булади, яраланиш уткир, учли буюмлар таъсирида юзага келади. Термик ва кимевий уювчи моддалар таъсирида куз ва унинг ердамчи кисмлари куйиши мумкин. Кимевий моддалар ичида ишкорий хусусиятга эга булганлари кислотага нисбатан кучлирок ва чукуррок куйдиради. Электроофтальмия – кузнинг ультра бинафша нурлар таъсирида куйиши – бу мухофаза ойнак такмай электр пайвандлашга тикилиб каралганда, корли тогда куешли кунда мухофаза ойнак токмай юрилганда юз бериши мумкин. Шунингдек рентген, радио ва лазер нурлари таъсирида гавхарнингхираланиши кузатилади.

Токсик моддалар - захарли кимевий моддалар (пестицидлар, гербицидлар, ва таркибида кургошин тутувчи моддалар) кузга бевосита тушиши, конъюнктура ваш ох пардасининг ялигланишига сабаб булиши ЭХТИМОЛ.

II. МАВЗУ МАКСАДИ:

Шикастланиш сабабларини синчиклаб урганиш: кузнинг качон кандай ишда, нимадан шикастланганини билиш шарт, ердам курсатилгани, шундай

булса кандай ердам эканлигини бемор хушдан кетганни кузи ва бурнида кон кетганни ва х.к.ни аниклаш керак. Шикастланган кузни текширишдан олдин ковокларни кон ивиндилардан эхтиетлик билан тозалаш, кон куйилиш, ковоклар сохасида пайпатлаганда крепитация бор – йуклигини аниклаш, кузнинг орбитада жойланишига ахатмият бериш керак. Беморга кокшолга карши зардоб еки анатоксин юборилади, огрик олдирувчи дорилар ичирилади, кузга стерил боглам куйиб, тез ердам машинасида зудлик билан куз шифохонасига юборилади. Тутри курсатилган биринчи ердам касалликни кечишига ва окибатига, даволаш натижаларига яхши таъсир этади.

III. ТАЛАБА АМАЛДА БАЖАРИШ КЕРАК:

1. Конъюнктивадан ет жисмларни олиш.
2. Кимевий куйишда биринчи ердам курсатиш.
3. Куйганда ва совук котганда биринчи тиббий ердам курсатиш.
4. Шох пардага метал парчаси кирганда биринчи ердам курсатиш
5. Перивазал навокаинли блокада килиш
6. Шох пардани тешиб кирган жарохатда биринчи ердам курсатиш.
7. Монокуляр ва бинокуляр боглам куйиш.

IV. ТАРБИЯ МАКСАДИ:

Кузив аъзосининг ва айникса куз соккасининг шикастланиши инсон учун огир мусибатдир, чунки кузнинг нозик пардалардан кайси бири, кай даражада шикастланмасин, бу биричидан катта нокулайлик, каттик огрик берад и ва рухий озор еткизади. Иккинчидан, бу хар хил куринишдаги емон асорат колдириб, купинча кузнинг ожизлик даражасига олиб боради. Бундай нохуш ходисалар кузи шикастланган кишининг меҳнат фаолиятига салбий таъсир килиб, унинг оиласи ва у хизмат киладиган жамоанинг уш унумига хам зарар еткизади. Шунинг учун, куз шикастланишининг олидини олиш,

шикастланиш содир булганда тезлик билан биринчи ердам курсатиб, беморни куз мутахассисига Куз гавхари айлана шаклидаги икки сатхи буртик линзани юборишни ташкил килиш тибббиет ходимларининг мукаддас вазифаси хисобланади .

V. МАШГУЛОТ МАВЗУСИНИ ИНТЕГРАТИВ АЛОКАСИ.

Манбалар	Даср мавзуси	Чикиш
Нормал анатомия Булим: «Курув орг.тузилиши» Худойбердиева А.Р. «Одам физиологияси» Булим: Курув анализатори. Косицкий Г.И. Гистология. Булим: «Курув органи» Афанасьева Ю.А. Пучковская А.А. «Кузолмасини куйишлари» Джамили О.А. «Куз олмасини уткир кассликларида биринчи ердам». Гундарова Р.Н. «Куз жарохати»	кузнинг ва унинг булимларини шикастланиши	- офтальмология - бакалавр - умумий амалиёт шифокори - гистология

VI. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ УТИШ РЕЖАСИ ВА УНИНГ ТАРКИБИЙ КИСМИ

№	Машгулот даврлари	Вакт	Утиш жойи	Укув куроллари
1.	Ташкилий тадбирлар (йуклов, машгулот максади ва вазифаларини белгилаш, яъни курсатгани келган ва мавзуга оид беморларни куриш)	15 мин	Укув хона	Жадвал, плакатлар, слайдлар
2.	Талабалар билимини бошлангич даражасини саволлар ёрдамида аниклаш	30 мин	Укув хонаси	
3.	Талабалар амалий мустиқил иши	90 мин	Укув хона, палата	
4.	Узлаштиришнинг якуний назорати даражаси	45 мин	Укув хона, беморларнинг куриш хонаси.	Тест саволлари, вазиратли масала ва укув муаммолари ечими билан олиб борилади
5.	Охириги боскич	20	Укув хона	Расмлар, касалик тарихини текшириш
6.	Хулоса	10	Укув хона	

VII. МУСТАКИЛ ТАЙЁРГАРЛИК УЧУН САВОЛЛАР.

1. Куз шикастланишининг синфланиши.
2. Орбита жарохати симптомлари санинг
3. Куз олмаси контузиясининг синфланиши.
4. Ковоклар жарохатини айтинг.
5. Куз олмаисини тешиб кирган жарохати деб қачон айтилади.
6. Кузнинг ишкор билан қуйиши.
7. Кузнинг кислота билан қуйиши.
8. Электроофтальмия нима.
9. Симпатик офтальмия нима.
10. Ет жисмни куз ичидан олиб ташлаш усуллари.

VIII. ДАСТЛАБКИ НАЗОРАТ.

Талабаларни нормал анатомия фанидан қуриш анализаторини тузилиши, физиология фанидан қуриш анализаторини физиологияси ҳақидаги билимларни назорат қилиш керак.

IX. ДОИМИЙ НАЗОРАТ.

Мустакил тайёргарлик саволлари асосида олиб борилади.

X. ВАЗИЯТЛИ МАСАЛАЛАР.

1. Поликлиника окулистига 35 ёшли слесарь иккала кузида оғрик, ёшланиш борлигига , қуриши пасайганлигига шикоят қилиб келди. Анамнезидан , бир кун олдин бемор кузойнаксиз пайвандчилик ишларини қилган.

VISUS OD=0,4коррекциясиз

OS=0,4коррекциясиз

Объектив: ОУ- кузи нотинч, ёшланиш, ёруғликка қарай олмаслик, аралаш инъекция, шох парда бир оз шишиган, куз туби узғаришсиз .

Таъхис. Қасаллик сабаби. Сизнинг даволаш тактикангиз.

2. Бемор кузида огрик, ешланиш борлигига куриши пасайганлигига шикоят килиб келди. Бир соат олдин кузига охак кирганлигини айтади.

VISUS OD - 1,0

OS - 0,2 коррекциясиз

ОБЪЕКТИВ: OS-куз олмаси нотинч, блефароспазм, ешланиш, еругликка карайолмаслик. Шиллик парда ва шохпардада охак колдиклари. Шох пардада шиш бор, олди камера урта чукурликда, чукур кисмлари куринмайди.

Ташхис.

Даволаш тактикаси.

3. Бемор чап кузида огрик, ёшланиш борлигига, куриши пасайгилигига, кузида ёт тана борлигига, кум тикилишига шикоят килади. Бемор далада шоли йигаётганда кузига шолини кипиги кирганлигини айтади.

VISUS OD=1,0

OS=0,09 коррекция бермайди

ОБЪЕКТИВ: OD-кузи тинч, узгаришсиз.

OS- кузи нотинч, ёшланиш, блефороспазм, ёругликка карай олмаслик, аралаш инъекция, шох парда марказида ёт жисм атрофида йирингли инфильтрат билан, олди камера урта чукурликда, корачик доирасимон, марказда, чукур кисмлари куринмайди.

Ташхис. Биринчи ёрдам.

Даволаш тактикаси.

4. Бемор унг кузида огрик, ёшланиш борлигига, кузида ёт жисм борлигига шикоят килиб келди. Бемор сузидан бир соат олдин шамолда кузига бир нарса кирганлигини сезган ва юкоридаги шикоятлари билан окулистга мурожат килган

VISUS OD=1,0

OS= 1,0

ОБЪЕКТИВ: OD- кузи нотинч, ёшланиш, ёругликка карай олмаслик, конъюнктивал инъекция, юкори ковокни кайтириб курганда ковок конъюнктивасида ёт жисм, куз олмасининг колган кисмларида узгариш йук.

Ташхис.Биринчи ёрдам.

5.17 ёшлик бемор унг кузида огрик, кизариш, ёш окишига, куриши пасайишига шикоят килиб келди. Бемор сузидан уйда велосипед тузатаётиб, темирга болга билан урган вақтда темир парчаси кузига учиб кирган.

VISUS OD=0,01 коррекция бермайди

OS= 1,0

КИБ = Тn-1

ОБЪЕКТИВ: OD- кузи кизарган, ёшланган, шох пардада, соат учга якин жойда, 2мм. чизикли яра, олдинги камера саёз, рангдор пардада соат 3да тешилган жарохат, шишиасимон танада кон, куз туби куринмайди.

Ташхис ва кейинги тактикангиз.

XI. ТАЛАБАЛАРНИ БИЛИМИНИ ТЕКШИРИШ УЧУН НАЗОРАТ ТЕСТЛАРИ.

1. Шилик каватга тушган ёт жисм кайси йул билан аникланади?
 - А) ён томондан ёруглик тушириб
 - Б) гониоскопия
 - В) тонометрия
 - Г) рефрактометрия
2. Куз олмаси тешиб кирган жарохат деб қачон айтилади?
 - А) шох пардани тешиб утса
 - Б) шох пардани 1/3га тешиб кирса
 - В) склера остида булса
 - Г) ковок шилик пардасида булса
3. Электроофтальмияда биринчи ёрдам
 - А) пилокарпин томизиш
 - Б) фурацилинда ювиш

- В) дикаин 0,25% томизиш
 - Г) гидрокартизон малхамини куйиш
4. Шох пардани тешиб кирган жарохатни мутлок белгилари
- А) катаракта булиши
 - Б) яра булиши
 - В) шох пардада тешик булиши
 - Г) гавхар чикиб кетиши
5. Куз олмасининг кимевий куйиши сабаслари.
- А) куз ойнак булмаслиги
 - Б) ишкор ва кислотани кузга кириши
 - В) чанг юкиши
 - Г) химик моддалар билан куп ишлаш
6. Куз косасининг юкори ёриги шикастланишидаги белгилар
- А) птоз, мидриаз, офтальмоплегия
 - Б) хеч нарсa кузатилмайди
 - В) куриш уткирдигини пасайиши
 - Г) лагофталъм
7. Гемофталъм нима
- А) олди камерага кон куйилиши
 - Б) олди камерага йиринг тупланиши
 - В) шишасимон танага кон куйилиши
 - Г) тур пардани кучиши
8. Куз олмасини охак билан куйганда биринчи ёрдам
- А) аскорбин кислота билан ювиш
 - Б) дикаин томизиш
 - В) пилокарпин томизиш
 - Г) куз булимига юбориш
9. Куз олмасини 1чи даражали контузияси белгилари
- А) шиллик кават остига бир оз кон куйилиши
 - Б) хеч нарсa кузатилмайди

- В) куриш пасаяди
Г) иштаха йуклиги

ХII. ЖАВОБЛАР

1. А 2. А 3. В 4.В 5. Б 6. А 7. В 8. А 9. А

ХIII. АМАЛИЙ КУНИКМАЛАР РУЙХАТИ.

1. Енбошдан еритиб куриш методи оркали жарохатни аниклаш.
2. Утувчи нурлар билан тешириш
- 3.. Куриш уткирлигини Сивцев жадвали ва Снеллен формуласи оркали аниклаш
4. Перивазал навокаинли блокада килиш
5. Шох пардани тешиб кирган жарохатда биринчи ердам курсатиш.
6. Монокуляр ва бинокуляр боглам куйиш.

ХIV. МУСТАКИЛ ИШЛАРГА АЖРАТИЛГАН ВАКТ.

2. Жарохат олган беморларни текшириш – 20 мин
3. Беморларни курация килиш- 20 мин
3. Жарохатдан сунгги катаракта, увеит ва симпатик офтальмия билан беморларни куриш – 20 мин
4. Жарохат олган беморларга биринчи ердам курсатишни урганиш – 20 мин

ХV. МАШГУЛОТГА КЕРАКЛИ НАРСАЛАР.

Куриш уткирлигини аниклаш учун жадвал, куриш майдонини топшириш учун жадваллар, куздаги ва куз тубидаги жарохат натижасида узгаришларни аниклаш учун жадваллар, биомикроскоп, Комберг – Балтин ренгналистика слайдлар, таблицалар.